



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Uzuntumani, O‘zbekistonko‘chasi7-uy.191100, tel.: (+99876)44-73-545, uzun.t@exaf.uz

20 ~~21~~ -yil “ ~~08~~ ” ~~yanvar~~ ~~№18~~

Uzun sh.

Тумanning “Гулистон” СИУ, “Томчи” массивдаги туман захира ер фондидан фуқаро Расулов Нуриддин Ураловичга чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун 68,0 гектар ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 23-моддаларига асосан, туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 20 октябрдаги 242-сонли йиғилиш баёни ҳамда фуқаро Н.Расуловнинг аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н**

1. Тумanning “Гулистон” СИУ, “Томчи” массивдан чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун ўтказилган танлов натижаси бўйича туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 20 октябрдаги 242-сонли йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Танлов ғолиби Расулов Нуриддин Ураловичга фермер хўжалиги ташкил этиб, фаолият кўрсатиши учун “Томчи” массиви ер харитасининг 27к-дала контуридан жами 68,0 гектар, шундан 68,0 гектар яйлов ер майдонлари 31 (ўттиз бир) йил муддатга ижарага берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Н.Қоракулов)га янги ташкил этилаётган фермер хўжалигига ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини расмийлаштириш ва туман ер ҳисоботида ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Янги ташкил этилаётган фермер хўжалиги бошлиғи (Н.Расулов)га 10 кун муддат ичида туман Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими ва Давлат хизматлари маркази Узун туман бўлимидан рўйхатдан ўтиш ҳамда тегишли хужжатларни расмийлаштириш топширилсин.

5. Мазкур қарор нусхаси туман Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими ва Давлат хизматлари маркази туман бўлимига маълумот учун юборилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Н.Мажидов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

